



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2008-yil • 8-yanvar • Seshanba • 4 (27.809) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Бизнинг фарзандларимиз ниҳоятда истеъдодли, ақлу заковат бобида ҳеч кимдан қолишмайди. Уларнинг иқтидорини кадрлаш, имкониятларини юзага чиқариш, Ватанинг мард ва фидойи фарзандлари этиб тарбиялаш учун шарт-шароит яратиб бериш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир».

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ФАРМОЙИШИ

БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САҢЪАТ МАКТАБЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА 2009-2014 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон муסיқа маданиятини юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиши ва шу асосда муסיқий таълимни янада ривожлантириш, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, соҳа педагог ва мутахассисларининг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида:

1. Болалар муסיқа ва саънат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳқамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш бўйича Республика комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси болалар муסיқа ва саънат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳқамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини 2008 йилнинг 1 апрелидан ишлаб чиқсин ва уни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Комиссиянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин: республикадаги мавжуд барча болалар муסיқа ва саънат мактабларининг моддий-техник базасини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва уларнинг ҳолатини танқидий баҳолаш орқали бугунги кун талабларига қай даражада жавоб беришини аниқлаш;

ушбу мактабларни янгитдан қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ҳар томонлама асосланган ҳулоса ва тақлифлар тайёрлаш;

ёш авлоднинг муסיқий истеъдоди ва маданиятини юксалтириш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида аҳоли ва ўқувчилар сонини ҳисобга олган ҳолда, энг камда биттадан замонавий муסיқа ва саънат мактаблари фаолият кўрсатишини кўзда тутиш;

янгиладан қуриладиган, тўлиқ реконструкция қилинадиган, капитал таъмирладиган болалар муסיқа ва саънат мактаблари биноларининг уч хилдаги намунавий (типовой) лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва шу асосда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳқамлаш ва ривожлантириш, бу борада ҳудудлардаги мавжуд бўш бино ва иншоотлардан самарали фойдаланиш, тегишли жиҳозлаш ишларини амалга ошириш мақсадида экспертиза ҳулосаларини тайёрлаш;

болалар муסיқа ва саънат мактабларини замонавий ўқув ва муסיқа анжонлари билан таъминлашни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш;

умумтаълим ҳамда болалар муסיқа ва саънат мактаблари учун муסיқа фани бўйича давлат ўқув стандартлари ва дастурларини, дарсликлар ва методик қўлланмаларни замонавий мезонлар асосида такомиллаштириш; болалар муסיқа ва саънат мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, соҳа учун ўқувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, уларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтириш.

3. Ушбу Давлат дастурини амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар давлат бюджети, ҳомийлар, чет эл грантлари ва бошқа манбалар ҳисобидан қопланиши назарда тутилсин.

4. Муסיқа ва саънат мактабларида олиб бориладиган қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишларини молиялаштириш вазифаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси зиммасига юклатилсин ва шу мақсадда мазкур Жамғарма низомига тегишли ўзгаришлар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси умумтаълим ҳамда болалар муסיқа ва саънат мактабларини малакали мутахассислар билан таъминлаш учун 2008-2009 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан тақдим этилган тақлифларга биноан, олий таълим муассасаларига муслик йўналишлари бўйича қабул квоталарини қайта кўриб чиқсин.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2008 йил 7 январь

Баркамол авлод орзуси



Умидимиз, ишончимиз, таянчимиз

Конституциямизнинг 15 йиллиги байрамда Президентимиз томонидан 2008 йилнинг мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилиниши баркамол авлод орзуси йўлидаги яна бир амалий ҳаракат, ёшларга кўрсатилаётган меҳр-муҳаббат-

нинг ёрқин намояни бўлди. Албатта, шу муносабат билан давлат ва жамоат ташкилотлари ўз вазифаларини белгилаб олади, ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича янги амалий ишлар қилинади. Лекин бугун ёшларимиз кўнглидан ни-

малар кечмоқда? Улар ўз бурчлари, вазифаларини қандай англашмоқда? Қуни кеча бир гуруҳ истеъдодли ёшларни таҳририятимизга тақлиф этдик.

2-бет

Ўзбекистон — Россия:

Манфаатли ҳамкорлик

Мамлакатимизда нефть ва газ конларини ўзлаштиришда ўрта махсус маълумоти мутахассис кадрларга бўлган талаб катта. Бугун бу эҳтиёжни таъминлашга бошқа шў йўналишдаги илм масканлари қатори Бухоро нефть ва газ саноати

коллежи ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бултур мазкур коллеж Россиянинг «Лукойл оверсиз» компанияси билан малакали мутахассислар тайёрлаб бериш бўйича шартнома тузганди. — Шунга мувофиқ, — дейди коллеж директори Замир

Азизов, — уч йил мобайнида Россияга 60 дан зиёд мутахассис тайёрлаб беришимиз лозим. Жорий йилнинг ёзида конларни бурғулаш ва ишла-тиш, нефть ва газни ташиш ҳамда сақлаш, автоматик жиҳозлардан фойдаланиш ихтисосликлари бўйича коллежи-

мизни тамомлаган ёшлардан 13 нафарни ақинда тақдироти бўлиб ўтган Хаузақ конлари-да иш бошлади.

Айни пайтда коллежнинг 5 нафар битирувчиси шартнома асосида Москвадаги Губкин номли Россия давлат нефть ва газ университетиде таҳсил олмақда. Тўлов харажатларини эса «Лукойл оверсиз» компанияси ўз зиммасига ол-

ган. Қолаверса, Россиянинг яна бир нуфузли компанияси — «Газпром»га қарашли «Промвентиляция сервис» МЧЖ коллеж кутубхонасига 1,2 миллион сўмлик ўқув қўлланмаларини соғва қилди. Бу ўртадаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётганидан дарак беради, албатта.

Даврон БАҲРОНОВ

Меҳр ва эътибор ардоғида

Юртимизда ўқувчиларнинг қишқи таълими ва янги йилга бағишланган тадбирлар доғам этмоқда. Тошкент Фотосуратлар уйида ташкил этилган ана шундай хайрия тадбирга пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари ҳамда тиббий кўмакка муҳтож болалар тақлиф этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда ёш авлодга пухта таълим-тарбия бериш, унинг саломатлигини мустаҳқамлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўз самараларини бермоқда.

— Лицейимизда олти юз нафарга яқин ўқил-қиз таълим олади, — дейди Республика тасвирий ва амалий санъат лицейи-интернати директори Уринбосари Аҳмад Исмаилов. — Улар орасида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, тиббий кўмакка муҳтож болалар ҳам бор. Бу мамлакатимизда ижтимоий, тиббий ҳолатидан қатъи назар барчаннинг ўқиши, ўз истеъдодини намоян этиши, ўзи танлаган соҳа бўйича билим ва

қўниқмаларини мустаҳқамлаши учун зарур шароит ва имкониятлар муайён этилганидан далолатдир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан эълон қилинган Ёшлар йилида ёш авлоднинг манфаатларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар қўламини янада кенгаймоқда.

Тадбирда болалар учун театрлашган ва музқий дастур намойиш этилди. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Тошкент Фотосуратлар уйи ва бир қатор хомий ташкилотларнинг болаларга аталган байрам соғвалари топширилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Автомобистрал модернизация қилинади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2006 йил 20 декабрда қабул қилинган «2007-2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарориде жаҳон транспорти тизимига самарали интеграциялашиш учун МДҲ ва Европа мамлакатларига чиқишни таъминлайдиган шимол-ва шимол-ғарбий, Форс кўрғазини ҳамда Қора денгиз бандаргоҳларига олиб борадиган жануби-ғарбий ва жанубий йўналишдаги автойўллари босқичма-босқич барпо этиш ҳамда реконструкция қилиш кўзда тутилган.

ОТБнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасидан ЎЗА мухбирига маълум қилишларича, лойиҳа давлатимиз раҳбари-

нинг мазкур қарори ижросини таъминлаш доирасида амалга оширилмоқда. Ақратилган маблағ А-380 автомобиль йўлининг шимол-да Ўзбекистон чегарасини Қозоғистон, жанубда Афғонистон ва Туркменистон билан боғлайдиган узунлиги 1200 километрга тенг иккита участкасини ривожлантиришга йўналтирилди.

Автомобистрални ривожлантириш ва йўл тармоғи имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 173,5 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Реконструкция қилинадиган йўлнинг узунлиги 40 километрлик биринчи участкаси Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманида жойлашган. Узунлиги 91 километрни ташкил этадиган иккинчи участка Хоразм вилоятининг Ҳазорасп ва Қорақалпоғистон Республикасининг Тўртқўл туманидан ўтади. Қурилиш ишларини бажарувчиларни аниқлаш учун халқаро танлов савдоларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Ушбу автомобиль йўлининг бажарилиши йўлда юриш ва транспорт харажатларини тежайди.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIIY BANKII AXBOROTI

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 8 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқа ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати қийматини белгилайди:

1 Австралия доллари	1136,93
1 Англия фунт стерлинги	2566,76
1 Дания кронаси	254,91
1 БАА дирхами	351,82
1 АҚШ доллари	1291,97
1 Миср фунти	234,90
1 Испания кронаси	20,74
1 Канада доллари	1307,40
1 Ҳитой юани	177,31
1 Малайзия рингити	391,51
1 Польша злотийси	527,79
1 СДР	2041,67
1 Туркия лираси	1105,10
1 Швейцария франки	1152,52
1 ЕВРО	1899,45
10 Жанубий Корея вони	137,79
10 Япония иенаси	116,93
1 Россия рубли	52,63
1 Украина гривнаси	255,84

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки олиш мажбуриятини олмаган.

Маҳаллий партия ташкилотларида

15 нафар ўқитувчи, тарбиячи

Ўзбекистон ХДП аъзоси бўлишди

Қорақалпоғистон Республикасининг Ҳўжайли шаҳрида 1-республика Меҳрибонлик уйи жойлашган. Меҳрибонлик уйи синфхоналари, спорт заллари, кутубхона, ошхоналари кенг, ёруғ бўлиб, замонавий жиҳозланган. Мазкур муассасада 127 нафар ўқил-қиз тарбияланмоқда, 4 нафар ўқитувчи, 21 нафар тарбиячи, 7 нафар тарбиячи ёрдамчиси меҳнат қилади. Бошланғич синф ўқувчилари шу ернинг ўзида таълим олади. Юқори синф ўқувчилари эса шаҳардаги 61 ва 71-мактабларда ўқийди. Дам олиш хоналари, маданият саройи, кутубхона, сув ҳавзаси тарбияланувчилар хизматида. Дурадгорлик, тикувчилик, расмчилик, каштачилик, бадий ҳаваскорлик каби 20 га яқин тўғараклар ишлаб турибди.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

Ойбек ШОМУРОДОВ, «Ёшлар» телерадиоканали «Давр» ахборот дастурлар муҳарририяти масъул муҳаррири:



— Юртбошимиз «Туркистон» саройида бўлиб ўтган Конституция байрамидаги ўз маърузасида 2007 йил давомида мамлакатимизда эришилган ютуқлар, хусусан ёшларга қаратилган гамхўрликларни бир қур санаб ўтиб, 2008 йилни Ёшлар йили деб эълон қилдилар. Шубҳасиз, ушбу ташаббус ёшларимизни чексиз ғурулантирди, лекин бу жараёнда бизнинг зиммамиздаги вазифа, масъулият қандай бўлади?

Шахсан мен бундан мустақиллик йилларида мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси йўлида қилинган том маънодаги тарихий ишлар юксак поғонага етиб, ўз ҳосилини бераётгани, Ёшлар йили эса бу улғувор ишларга янги мазмун киритиш палласи бўлади, деб билман. Айтиш мумкинки, энди биз нафақат ўқиш ёки иш фаолиятимиз жараёнида, балки бутун онгли ҳаётимизда кўрсатилаётган эътиборга муносиб бўлиб, ҳеч қандай кам эмаслигимизни амалда кўрсата олишимиз лозим.

Мен ҳам мамлакатимиз ёшларининг вакилиман. Президентимизнинг бу гамхўрлигини юракимда кувонч ва ғуру сездим. Айни чоғда «Бу йилда олдимидаги вазифа қандай, амалда ўзимни намоян этиш учун нималар қилишим керак?», деган мулоҳазалар ўтмоқда. Бу саволларга ҳар биримиз жавоб излашга ҳаракат қилмоғимиз керак.

Камола ЭРМАТОВА: Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси, Президент стипендияси соҳиб:



— Уринли фикр айтилди. Шахсан мен бу йил Ёшлар йили деб эълон қилинганда, тўғриси, кўзимда ёш қалқиб кетди. Орсун-ниятларимизни янада кўпроқ рўёбга чиқарадиган имкон пайдо бўлди, биз ёшлар олдимидаги аниқ режаларни, амалга оширишимиз зарур бўлган мақсадларни қўйиб, шу мақсад томон дадил ҳаракат қилишимиз зарур.

Одамлар бор, жуда узоқ умр кўришади. Лекин ҳаёти сарқисиб қилинганда, улардан на бир эш, на бир ном қолганини кўраемиз. Бироқ орамизда шундайлар ҳам борки, ўз умри давомида буюқ хотира қолдиришга улгуришади. Буларнинг ҳаётига боқсак, инсон қандай яшаб ўтиши, ордидан яхши ном қолдириши қўлчанча ёшлик даврига боғлиқлигини кўраемиз. Бир дошмандаги: «Шулик доноликни ўрганадиган палла, кесалик эса уни қўлайдиган пайт» деган экан. Кимки мана шу қудратли паллада белни маҳкам боғласа, унинг келажати албатта буюқ бўлади. Шунинг учун Ёшлар йилида ҳар бир талаба, «Ўзбекистон фарзандимиз», деган ҳар бир ёшнинг қалбига олдиға қўйган аниқ мақсад томон интилиш янада жўш уриши лозим. Чунки зиммамизга юкланган масъулият шунга талаб қилмоқда.

Савол: — Яратилган имконият, берилаётган эътибордан самарали фойдаланиш керак, дедингиз. Қандай қилиб фойдаланиш керак? Камола ЭРМАТОВА: — Албатта, бунинг учун ҳар биримиз ўз соҳамиздан келиб чиқиб яхши ўқишимиз, мукаммал билим олишимиз лозим.

Фикрлайдиган ёшлар қанча кўп бўлса, жамият шунча кучли бўлади. Жамиятнинг куч-қудрати барибир фарзандларнинг илми, салоҳияти, ватанпарварлиги, фидойилигига боғлиқ. Бирор нарса кашф қилиш учун билим керак, билим олиш учун ўқиш, меҳнат қилиш керак. Мана меҳнатнинг кучи. Президентимиз «Ёшларимиз бизнинг таянчимиз, ишончимиз ва келажагимиз», деган гапни кўп ташкиллайдилар. Нега? Ёшлар билимли бўлиб ўсса, эртага мамлакатни шулар елкасида кўтаради, миллатга обрў олиб келади. Мана, спортчиларимиз чиқаяпти-ку! Дунёнинг манаман деган мамлакатлари вакиллари билан беллашаман, деб турибди. Шoir чиксин, рассом, олим чиксин. «Мен Ўзбекистоннинг вакилиман, ким чикса тенгма-тенг ташлашаман, юктаман» десин.

Ёшликнинг ҳам ун чегараси бор, бир

зумда ўтади-кетди. Ҳозирги ёшларга битта соҳанинг ўзи камлик қилади. Мана мен ҳозир санъат йўналишида фаолият кўрсатувчи «Ўзбегим ёшлари» гуруҳи аъзосиман. Олий ҳарбий божхона институти қошида ташкил этилган бу гуруҳ мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган иқтидорли, санъатта муҳаббатли баланд ёшларни қамраб олган. «Ўзбегим ёшлари» 2006 йилда Бельгияда ўтказилган халқаро «Марсинель-2006» фольклор кўшиқ ва рақслари фестивалида, ўтган йили Малайзиянинг Саравак штатида ўтказилган «Хрисил-2007» халқаро фестивалида иштирок этиб, ёшларимиз қанчалик иқтидорли ва салоҳиятли эканлигини намоян этиб қайтишди.

Ҳозир бемалол айта оламан, дунёнинг қайси бурчагига бормайлик, мен Ўзбекистон фарзандиман, ўзбек ёшларининг вакилиман, десангиз, ҳавас билан қарашади. Мана, мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътибор ва ишончнинг самараси.

Абдуқаҳор САЙНАЗАРОВ, Тошкент давлат техника университети II bosqich магистри, Президент стипендияси соҳиб: — Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бунён ёшларга эътибор ҳеч қачон кам бўлмаган. Ёшлар йили истиқлолимизнинг ана шу 17 йили давомида қилинган ишнинг ўзига хос бир хулосаси, десак тўғри бўлади.

Мен бўлажак санъатчиман. Табиий ресурсларни кўп бўлган мамлакатларни биланамиз, лекин аҳолисининг салоҳияти ёки иқтисодий ривожига юқори эмас. Табиий

ловда биринчи ўринни эгаллаб, Камолддин Бехзод номидagi Миллий расомлик ва дизайн институтига имтиёзли ўқишга кирдим. Шу ўқишим давомида бутун дунё тасвирий, амалий санъатини ўргандим. Энди бундан бугёғга ниятларим катта — Ўзбекистоннинг тасвирий ва амалий санъатини бугун дунёга танитмоқчиман.

Ватанимизни спорт ёки бошқа соҳаларда ёшларимиз бутун дунёга танитишмоқда. Лекин дизайн соҳасида ҳали бу даражага эришганимиз йўқ. Бундан икки уч йил олдин Бойсунда «Бойсун баҳори» фестивалида либослар кўргазмаси ўтказганимизда, чет эллик меҳмонлар келиб унга яхши баҳо беришган, лекин ўзимизнинг ёшлар уни тушунишмаганди. Ҳозир халқимизнинг диди, савияси ўзгарди. Уша пайтга қараганда бугун либос ва дизайн соҳасида бўлган муносабат ортган. Бунга янама кучайтириш — менинг асосий орузум. Келажақда ўқув маркази очиб, ҳам бадиий, ҳам конструктив томондан жавоб бера оладиган профессионал ёш кадрларни етиштириб чиқаришга ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Ҳозирда институтини битириб, Жанубий Кореянинг «Бел трейдинг» компанияси ваколатхонасида бош дизайнер вазифасида фаолият кўрсатаман. Менинг асосий вазифам — ишлаб чиқариладиган матога мос эскиз ва дизайн яратиш.

Ҳозир бизда мунтазам равишда кўргазмалар, мода ва дизайн ҳафталиги, миллий либослар фестивалларини ўтказиш йўлга қўйилди. Анча тажриба



лозим. Ёшлар йилида биз учун асосий вазифа шундан иборатки, ҳар бир ёш ўз соҳасида кутарилишга, маълум муваффақиятларни қўлга киритишга интилиши лозим. Ўзбекистон ёшлари билим ва салоҳият ботида ҳеч қимдан кам эмас. Ҳар соҳада ўзини кўрсатаётган ёшларимиз жуда кўп. Мен ўзим Ўзбекистон давлат консерваторияси эстрада хонандлиги йўналишида таълим олаётган бўлсам-да, мақом йўналишида ҳам изланаёяман. Мана яқинда «Тараннум» кўрсатувида ўз кўшиқларим билан чўқдим.


Президентимиз Конституция байрамида ёшларимизнинг маданий савиясини юксалтириш, маънавий оламни бойитиш ҳақида, айниқса ёш авлоднинг санъат ва гузалликка интилишини кучайтириш мақсадида янги йилда республикамиздаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини қабул қилиш тўғрисида гапирди.

рибди, халқимнинг юзини ерга қаратмаслик учун иложи борича яхшироқ кураш тулишимиз керак», деб ўйлайман. Бунинг учун ҳар доим, йил-ўн икки ой шуғуланмиш борамиз, ўз устимизда ишлаймиз.

Бу йилда олдимиға қўйган асосий мақсадим — Пекинда бўлиб ўтадиган Олимпиада мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиш, насиб этса, чемпион бўлиш.

Президентимиз айтганидек, ҳеч бир нарса мамлакатни спортчилик дунёга тез танита олмайди. Ёшлар спорт билан қанча кўп шуғулланса, уларнинг тани ҳам, фикри ҳам соғлом бўлади, иродаси чиниқади. Мана бир неча йилдири, болаларда спортга меҳр уйғотиш мақсадида кураш турнирини уюштириб келаяман. Қувонарли жиҳати, унга қўшни мамлакатлардан ҳам қизиқувчилар келишмоқда. Мухим, бундай мусобақалар ўсмирларимизнинг ўзига бўлган ишончнинг ошириши баробарида, ҳаётда қўқилмасликни ўргатади, ватанпарварлигини кучайтириб, иродасини тоблашда муҳим омил саналади.

Асқар РИХСИБОВ, Тошкент автомобиль ва йўллар институти талабаси:



— Ватани қўриқлаш ҳаммага ҳам ишониб топширилавермайди. Унга хизмат қилиш аввало ҳар бир йигитнинг энг олий инсоний бурчидир. Президентимизнинг муддатли ҳарбий хизмати ўтаётган ҳарбий хизматчиларга имтиёзлар бериш тиришини олий даражага қўйдилар. Энди бевосита ўзим ҳаётимда гапирсам. Ҳозирги кунда Транспорт воситаларини бошқариш ва таъмирлаш факультетида мустақил изланиш олиб бораёяман. Институтида 600 нафарга яқин мен каби йигитлик бурчини ўтаб, ўқишга кирган ёшлар таълим олади. Президентимизнинг ташаббуси билан ҳарбийларга ва уларнинг оилаларига қўрсатилаётган катта эътибор туфайли ёшларимизда ҳарбий хизматга бўлган қизиқиш ортмоқда. Бошқача қилиб айтганда, Юртбошимиз профессионал армияни ривожлантиришни олий даражага қўйдилар.

Энди бевосита ўзим ҳаётимда гапирсам. Ҳозирги кунда Транспорт воситаларини бошқариш ва таъмирлаш факультетида мустақил изланиш олиб бораёяман. Институтида магистрлар томонидан қўллаб-қувватлаш қўллинаётти. Масалан, Самарқанд автомобиль заводи билан ҳамкорликда «Isuz» автобусларига экологик хавфсиз эҳтиёт кибитлар яратиш устидаги изланишлар кўпчилиги кизиктиримоқда. Улар заводага ёниладиган тежамли фойдаланиш, экологияга камкор захарли газ чиқарувчи воситалар тақлиф қилишмоқда. Ёшлар йилида бу изланишимиз ўз самарасини беради, деган умиддамиз.

Абдуқаҳор САЙНАЗАРОВ: — Яна бир масала борки, яхши мутахассис бўлиш мумкин, аммо яхши одам бўлмаслик мумкин. Шунинг учун ёшлар маънавиятига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Булар инсоннинг икки қанотиридир. Одамда миллий ғурури усту бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, биз ёшлар куч-қудратимизнинг ярми яхши мутахассис бўлишга боғлиқ бўлса, ярми миллий ғуруримиз, ориентимиз, фидойилигимизга боғлиқ. Жамият ҳам худди шундай. Миллий ғурури бор халқ фидойи фарзандларини кадрлайди. Уларнинг ютуғини ўз ютуғидек қабул қилади, нишонлайди. Чунки ёшлар фақатгина ўз номини эмас, балки мамлакат номини ҳам дунёга танитади. Унинг галабаси ўзбек номи, Ўзбекистон шаъни билан боғлиқ бўлади.

Камола ЭРМАТОВА: — Назаримда, ҳар битта фарзанд вохлок-одобли, ҳаёли, виждонли бўлиб олоғи етишида аввало ота-она ва оиладаги муҳитнинг роли жуда катта. Бир воқеани айтиб берай. Устозим Жанубий Кореядаги Чан Донг университетида 50 йиллик юбилейига борганда, университет ҳовлисида кичик бир ниҳолни экиб, ёнига учта чўп қадаб қўйишганини кўрибди. Бунинг сабабини сўраганда, университет ходимлари рамзий маъносини айтиб беришди. Кореяликларнинг тушулчасига қўра, усаётган ниҳол — бу ёш авлод. Унинг тўғри ўсиши, эгри бўлиб қолмаслиги учун ёнида учта тиркач — яъни отаси, онаси ва устози бўлиши лозим. Дарҳақиқат, ёшларимизни ниҳолга қиёсласак, у улғайиб дарахт бўлиб, келажақда мевасини бериши учун барибир унга боғбоннинг ҳиссаси керак бўлади. Бу боғбон — ота-онамиз, устозимиз, Юртбошимиз, яъни бизнинг келажагимизга қайтарилган инсонлар.

Биз улар кўрсатаётган меҳрибонликлардан миннатдоримиз. Ва айни чоғда улар фахр-ифтиҳор қиладиган фарзанд бўлишга ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Саҳифани Матназар ЭЛМУРАДОВ, Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, Жасур ХУСАНОВ тайёрлади. Суратлар муаллифи Абдирови ҲАЙДАРОВ.

Умидимиз, ишончимиз, таянчимиз



тўпланди, чет эллик меҳмонлар, шу соҳа вакиллари юртимизга келиб, ёш иқтидорли модельерлар фаолиятига яхши баҳо беришяптики, бу мамлакатимизда мода ва дизайн соҳасида иқтидорли ёшлар жуда кўплигини кўрсатиб турибди. Фақат, бу ёшлар ўз истеъдодини намоян қила билиши керак.

Жанона МАҲКАМОВА, Тошкент тиббиёт академияси 1-курс талабаси, «Келажақ овози — 2007» республика кўрик-танлови соҳиб:

— Бугун истеъдодли ёшларимизнинг жаҳон спорт майдонлари, халқаро фан олимпиадалари, санъат ва маданият соҳасида катта ютуқларга эришадиганини деярли ҳар кун эшитамиз. Бироқ бунинг ортида йиллар давомида қилинган жуда катта меҳнат, сазой-ҳаракат, маҳорат ётганини кўпчилигимиз хаёлимизга келтирмаймиз. Назаримда, бугун таниладиган вазифам ўша технологияни мукамаллаштириш ва жорий қилишдан иборат. Келажақда илмий-тадқиқотимизни корхона билан бевосита боғлиқ ҳолда ишга тушириш ниятдаман.

Ҳозирда Япония, Россия, Германия, Канада давлатлари металлургия соҳасида илгирилаб кетган. Биз шу технологиялардан бохабар бўлиб, улардан ҳам мукамал технология яратиш, етакчи давлатларга тақлифлар берадиган даражага етишимиз керак. Ёшлар йили бу йўлда биз учун яна бир имконият.

Азиза ХОЛИҚОВА, Ўзбекистон Бадиий академияси ёш ижодкорлар уюшмаси аъзоси, либосчи-дизайнер:

— Бундан беш йил муқаддам менга катта имконият берилди — тасвирий ва амалий санъат йўналишидаги ўқув юртилар ёшлари ўртасида ўтказилган тан-


лур. Юртбошимиз санъат ва маданиятни ривожлантиришга негиз бўлган қайғураятми? Чунки санъатга яқин бўлган одам эзгу тушуналлар руҳида улғаяди.

Истеъдодли, санъатта муҳаббатли ёшлар қанча кўпайса, ёт фольклор чекинади, сохта гапларга ишонувчилар орамизда бўлмайди. Ҳоҳ кўшиқчи бўлсин, ҳоҳ спортчи ёки талаба — ҳамма-ҳамма ёшда аввало санъатга ошноликни тарбиялаш мумкин. Чунки юрағида эзгулик яшаган, виждонли, иродали одамдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди.

Ойбек ШОМУРОДОВ: — Гап мавзуи ёшларимизнинг иродаси масаласига бориб тақалаёпти. Ҳақиқатан, бугунги кунда ёшларни, айниқса, энди ақл-идроки шаклланиб келаётган фарзандларимизни ҳозир тобора жиддий тус олаётган таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун уларда кучли иродани тарбия қилиш мумкин аҳамиятга эга. Мамлакатимиз мумкин геосийсий минтақада жойлашгани боис турли ёвуз куларнинг ёшларимизни ўз таъсирига олишига интилишлари бўлиб турибди. Ёшларимиз уларнинг таъсирига берилмаслиги учун ўзларида мустақил бўлиш, билим бўлиши керак. Ўз навбатида давлатимиз ҳам ташқи таҳдидларга қарши имунитет ҳосил қилишда ёшларимизнинг билимига, фаоллигига таянади.

Менимча, бунинг учун биз, ҳозирги ёшлар дунё эришадиган ютуқлар билан бир қаторда турли таҳдид ва хавфлардан ҳам ўз вақтида огоҳ бўлиб, дунёқарашимизни бойитиб боришимиз зарур. Шундагина ёшларимизда сафарбарлик туйғуси янада юқори бўлади, жамият олдимидаги жавобгарлик туйғусини чуқурроқ ҳис қилади.

Дилшод МАНСУРОВ, эркин кураш бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Олимпия ўйинлари қатнашчиси:



— Ёшлар йили биз спортчиларга ҳам катта масъулият юклайди. Чунки қанча ютуқларга эришган бўлсак, бу йилда улар салмоғини янада ошириб, бошқаларга кўпроқ ўрнак бўлиш, Ватанимиз шаънини, обрў-эътиборини кўтариш вазифамиздир.

Ёшларимиз орасида спорт билан шуғулланувчилар қанча кўп бўлса, мамлакат қудратли бўлади, соғлом, бақувват авлодлар воғга етади. Катта мусобақаларда гиламга чиқиб олдидан ҳар доим ота-онам, Ўзбекистонимиз кўз олдидан ўтади. Ўзбекистон ортимдан қараб ту-

Маҳаллий партия ташкилотларида 15 нафар ўқитувчи, тарбиячи

Ўзбекистон ХДП аъзоси бўлишди



(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу ерда меҳнат қилаётган ходимлар Ўзбекистон ХДП электорати ҳисобланади. Бунинг мазмунига тушуниб етган ўқитувчи, тарбиячилар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг голяларини чуқур ўрганиб чиқаяптилар. — Ўзбекистон ХДП Дастурида, — деди Меҳрибонлик уйи директори ўринбосари Набира Ембергенова — Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва асраш, мамлакатда иқтимоий-сиёсий барқарорлик, ҳар бир оила фаровонлигига эришиш каби умуммиллий манфаатлар партия мафқураси ҳамда фаолиятининг пойдевори экани ифода этилган. Шунинг учун мен Ўзбекистон ХДП аъзоси бўлишга қарор қилдим.

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий ҳужжатлари билан чуқур танишиб чиқдим. Унда иқтимоий адолат ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ёрдамга муҳтож фуқаролар манфаатларини ифода этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган, — деди тарбиячи Гумша Бекбўсенова. — Бу бозор иқтисодиёти шароитида долзарб вазифадир. Биз ҳам тарбиячи сифатида шу партиянинг электорати ҳисобланамиз. Шунинг учун Ўзбекистон ХДП аъзоси бўлсам, деган қарорга келдим.

— Мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг ўз гоёси, дастури, мафқураси бор, — деди тарбиячи Париғул Қидирниёзова. — Шунингдек, ҳар бири ўз тарафдорларига эга. Мамлакат тараққиёти йўлида ўз қарашларини илгари сураётти.

Муассасамизда компьютер, лингфон, маънавият ва маърифат, гигиена ва бошқа хоналар ишлаб ту-

рибди. Илгари бундай шароитлар бормиди? Албатта, йўқ. Шуларни қўриб хурсанд бўласан киши. Мамлакатимиз Президентини, ҳукумати-миз томонидан таълим-тарбия тизимини янада ривожлантиришга қаратилган қатор фармон, қарорлар чиқарилди. Ўзбекистон ХДП ана шу фармон ва қарорларини изчилик билан бажариш улар ижросини таъминлашининг самарадорлигини ошириши тўғрисида курашиш келмоқда. Бундан биз манфаатдоримиз, албатта. Бу ишларга мен ҳам ҳисса қўшсам деб, Ўзбекистон ХДП сафига кирдим.

